

**ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ ЗАМОНАВИЙ МАКТАБДА ТАЪЛИМ
ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ШАРТИ СИФАТИДА****О.Т.Тўланова****Асака туман 43- умумтаълим мактаби
бошланғич синф ўқитувчиси****<https://doi.org/10.5281/zenodo.7742172>**

Таянч сўзлар: замонавий таълим, ижтимоий-маданий, инқироз, таълим сифати, етуклик, шахсий масъулият, мустақиллик, инновация.

Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ.

Ш.М. Мирзиёев

Замонавий таълимнинг ривожланиши янги ижтимоий-маданий муҳитнинг юзага келиши хусусиятларини олдиндан кўра олишни талаб этади. Унинг асосида инсон ҳаётида учрайдиган инқирозли (кризис) ҳолатлари ётади. Айнан уларнинг ифодаланишида инновациялар учун, индивидлар ва жамиятнинг ривожланиши учун турткилар (стимул) юзага келади. Уларда таълимни ташкил этиш шакли, мазмуни, вазифалари, натижаларидаги ўзгаришларнинг заруратини акс эттирувчи таълимнинг янги ҳодисаларининг сабабларини кўриш мумкин. Таълим муассасаларининг янги турлари ва таълим хизматларининг янги турлари ва шакллари юзага келади.

Таълимнинг тижоратлашиши унинг мақсадларининг ўзгаришига олиб келади. Меҳнат жараёнида ижодий ўз-ўзини актуаллаштиришни амалга ошира оладиган юқори маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёж ва уларни жамиятнинг кўп қиррали ҳаётига киритишнинг ҳақиқий ҳолати ўртасидаги узилишнинг кучайиши.

Мактаб битирувчиси битирганидан кейин таълим тизимидан ижтимоий тизимга, яъни ижтимоий етуклик, шахсий масъулият ва мустақиллик талаб этиладиган ҳаёт даражасига ўтишдаги тўсиқларни енгишига тўғри келади, деб таъкидлаш мумкин.

Жамиятнинг янги мақсадлари ва қадриятлари таълим турларини англаш заруратини кўрсатади. Б.С. Гершунский “Таълим фалсафаси” ишида таълимнинг фақатгина ўргатувчи концепцияси интеллектни далиллар, назариялар, тушунчалар, қонунлар тўғрисидаги билимлар билан тўлдиришдан иборат ва бу асосий роль ўйнаши, устун бўлиши ва истеъмолчини эмас, балки ижодкор шахсини шакллантиришга йўналтирилган қадриятли йўналганлик ҳамда установкаларни шакллантириши керак бўлган тарбиявий ташкил этувчини иккинчи ўринга суриб қўйишини таъкидлаган [1].

Аммо умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг даражалари, битирув имтиҳонлари натижалари кўрсатганидек, юқори эмас, бу эса кейинги таълим олишда ҳам ва техник жиҳозланишининг жадал ўзгаришлари билан ишлаб чиқариш соҳасидаги ишларда ҳам қийинчиликлар туғдиради. Шу тариқа, мактаб олдида билимларни эгаллаш ва тўплаш ҳамда шахснинг юзага келиши, шаклланиши ва ижодини таъминлай оладиган фаолият шароитлари, унинг мазмуни, технологияларини яратиш зарурати тўғрисидаги масала юзага келади. Мактаб ҳаёти – бу яхлит инсон ҳаётининг ҳодисасидир. Таълимга феноменологик ёндашувнинг моҳиятини аниқ тушуниш учун таълим олувчининг ички олами билан боғлиқ бўлган

билиш жараёнларининг асослари ва усуллари аниқлаш зарурдир. Таълим муассасида у алоҳида вазиятга – ўз имкониятларини англаш ва бошдан кечиришга жалб этилади. Ҳозирги вақтда билимларни тўплаш билан бир қаторда билимларни излашга қобилиятларни ва интилишларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу ривожлантирувчи таълим тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Мантиқий яқунланган билимлар тизими кўринишидаги маданий тажрибани етказиш асосий ҳисобланган таълимдаги ёндашув аста-секин ўтмишда қолмоқда.

Замонавий умумтаълим мактаби таълим сифатини бошқаришда янги тизимли методларни жорий этишни талаб этувчи шароитларда турибди. Янги шароитлардаги ривожланиш давлат таълим тизимида амалга оширилаётган ва таълим соҳасидаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, миллий таълим сиёсатида янги устуворликларни ишлаб чиқиш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги пайдо бўлган янги воқелик билан юзага келган институционал ўзгаришлар билан белгиланади. Жамиятдаги замонавий вазият, шунингдек мактабни бошқариш тажрибаси таълим тизимининг ривожланиши ва мустақамлигининг асосий йўли – бу ҳар бир таълим муассасаси ва унинг битирувчисининг рақобатбардошлилигини таъминлаш эканлигини кўрсатади. Рақобатбардошликнинг асоси таълим сифати ҳисобланади.

Мактаб жамоасида бошланғич синф ўқувчилари она тили фанидан билимва кўникмаларни эгаллашлатида турли ҳил муаммоларга дуч келадилар. Уларнинг билимларни эгаллашлари ва таянч компетенцияларини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар мавжуд.

Ўқувчиларнинг ўзлаштиришига салбий таъсир этувчи омиллар

Субъектив омиллар

1. Ўқувчининг лоқайдлиги.
2. Нуқсоний камчилиги борлиги.
3. Эркатоилиги.
4. Ўғил ёки қизлиги (Гендер).
5. Тайёр ёки тайёр эмаслиги.

Объектив омиллар

- Ўқитувчи томонидан барча ўқувчиларни жалб қила олмаслиги.
2. Синфларда ўқувчилар сонининг кўплиги ва улар билан алоҳида Шуғулланиш учун вақтнинг етишмаслиги.
3. Ўқитувчининг рағбатлантириши ёки камситиши.
4. Мавзунини англаб етишлари учун кўргазмаларнинг етишмаслиги.
5. Ўқитувчи ва ота-оналар томонидан боланинг қизиқишлари инобатга олинмаслиги.
6. Синф жамоасида ўқувчига тан олинмиш имкониятининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.
- . Ёшга оид топшириқларнинг берилиши ёки мураккаблиги
- . Айнан таянч компетенцияларни ривожлантирувчи манбаанинг мавжуд эмаслиги.

Мактабнинг мураккаб иқтисодий ва ижтимоий-демографик вазиятга мослашиши жараёнини таҳлил қилиб биз рақобатбардошлик бир неча ташкил этувчилардан ҳосил бўлиши тўғрисидаги хулосага келдик.

Биринчидан, бу мактабнинг битирувчини кейин босқич таълим хизматлари ёки меҳнат бозорига мослашиши таъминловчи, таълимнинг I, II, III босқичларида сифатли таълим бериш қобилиятидир. Иккинчидан, бу мактабнинг «имиджи»: ота-оналар ва ўқувчиларнинг мактаб томонидан тақдим этиладиган хизматлар тўғрисидаги етарлича хабардорликлари ва мазкур таълим хизматлари даражасидан қониқишлари. Учинчидан, ота-оналар ва ўқувчиларнинг таълим хизматларининг барча турларидан етарлича қониқишлари.

Мактаб рақобатбардошлилигининг кўпгина билвосита кўрсаткичлари ҳам мавжуд. Бу ўқувчиларнинг саломатликларини сақлаш, уларнинг руҳий ривожланишларининг ижобий динамикаси, мактабнинг олимпиадалардаги иштирокининг самараси, синфлар жамланишининг муваффақиятлилиги, кадрлар малакасининг юқори даражаси, фан, маданият ва бошқа муассасаларнинг кадрлар имкониятларидан фойдаланиш, таъминловчи хизматларнинг муваффақиятли ишлари: психологнинг, валеологнинг, логопеднинг, пуллик таълим хизматларининг ҳажми ва сифати билан қизиқтира олиш қобилияти, таълим сифати бўйича шикоятларнинг йўқлиги ва кўпгина бошқалар. Мактабнинг юқори рақобатбардошлилигини унинг директорининг ва бутун маъмуриятнинг таълим хизматлари сиёсати соҳасидаги малакали ишлари таъминлаши аёндр. Таълим тизими тарихий жиҳатдан жамиятлар асосида юзага келган, уларнинг ижтимоий алоқалари ташкилотларнинг бирлашиши билан боғлиқ. Бу жиҳатдан таълим тизими ижтимоий институт, ижтимоий тизим сифатида хизмат қилади.

Таълим тизими истеъмолчининг таълим моделини танлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши керак (ташкилий, кадрлар, ўқув-методик, ахборот ва ҳ.к.). Таълим олишнинг энг бошидан ўқувчи-истеъмолчи танлаш шароитига эга бўлиши ва ўз танлови учун жавобгарликка эга бўлиши керак. Танлаш вазияти доимо ўқувчининг имкониятлари ва эҳтиёжлари, стандартлар талаблари ўртасидаги зиддиятларда бўлиши керак.

Таълим хизматлари соҳасидаги саводли сиёсатни қуриш учун давлат таълим стандартлари ҳамда ўқувчилар ва ота-оналарнинг талабларига мос йўналганлик зарурдир.

Аммо таълим муассасаси рақобат шароитларида таълим хизматлари истеъмолчиларига ўзларида ўсиб боровчи маданият талабларни қондиришнинг ва индивидуал ўзига хосликларини амалга ошириш янги имкониятларини очишларига имкон берадиган таълим хизматларини излаш ҳолатида бўлади. Шу сабабли ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг янги ғояларини, ўқувчиларнинг миллат, техника, технология, ишлаб чиқаришнинг ривожланишининг замонавий даражасига олиб чиқадиган янги имкониятларни излаш амалга оширилади. Таълим муассасаси томонидан ўта муҳим вазифа – жамиятни ислоҳ этишнинг асосий омили сифатида

шахнинг шаклланиши учун шароитларни яратиш ҳал этилади. Бунинг учун мактабнинг педагогик тизимида ўзгаришлар – инновациялар зарурдир.

Жамиятимизнинг мураккаб ва зиддиятли янгиланиши, ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларининг бебарқарорлик шароитларида ривожланмай туриб сақлана олмайдиган таълим тизимининг омон қолиши масаласи юзага келади. Таълим соҳасидаги ислохотларнинг зарурати тўғрисида сўнгги йиллардаги инновацион жараёнларнинг жадал ривожланишидан гувоҳлик беради.

Таълим доимо новаторлик, педагогик изланиш. Тажриба-синов ишлари, инновацион жараёнлар билан боғлиқ бўлган.

«Инновация» сўзи фанда XIX аср охирида пайдо бўлган. XX асрнинг 30-йилларида Ғарбда янгиликларни киритишни тадқиқ этишнинг махсус тармоғи – инноватика юзага келди. У инқирозли ва инқироздан кейинги вақтлардаги фирмаларнинг янги хизматлар, ғояларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича фаолиятга кучайган эҳтиёжларининг ифодаси сифатида юзага келди.

Инновация шундай янгилик киритишни англатадики, у ўз (in – ичида) ресурслари (захиралари) ҳисобига тизимда амалга оширилади.

Инновациялар – бу педагогик тизимни такомиллаштиришнинг яхлитлигида олинган ғоялар, жараёнлар, воситалар, натижалардир. Аммо қандай бўлмасин, педагогик тизимни янгилаш муаммоси жуда муҳим ва долзарб ҳисобланади, тегишли касбий таҳлилни талаб этади.

Педагогика фанида мактабни қамраб олган ҳодисанинг бир неча таърифлари мавжуддир. Улардан айримлари келтирамиз:

Инновация – таълимни янада юқори даражага олиб чиқувчи, унинг янгиланишининг ижодий, технологик ва методик концепцияси.

Инновациялар тўғрисидаги масала айниқса замонавий мактабда ўта муҳимдир, чунки таълим-тизимини модернизациялашнинг асосий йўллари ва шунга кўра мазкур тизимни фаол ислох этиш белгиланган.

Аммо шуни таъкидлаш зарурки, инновацион жараёнларга ўсиб боровчи қизиқишларга ва «инновация» тушунчасининг тарқалиши миқёсига қарамасдан, ҳамон инновацион жараёнларнинг умумий назарияси ҳам ва махсус педагогик инноватика ҳам яратилмаган. Шу билан бирга инновацион педагогика бўйича қатор ишлар мавжуд бўлиб, бизнинг фикримизча эътиборга сазовордир.

Жумладан, файласуф Лазарев В.С инновацион жараёнлар тузилишини, янгиликларнинг асосий кўрсаткичлари очиб бериб, инновацион жараёнлар (янгиликларнинг ҳаётий цикли, янгиликларнинг кундалик одатийлашиши, янгиликларнинг динамикаси ва самарадорлиги ва б.қ.) билан боғлиқ дастлабки тушунчаларга таъриф бериб тизимли-фаолиятли концепцияни таклиф этади [2].

А.Ф.Присяжнаянинг умумий инноватика бўйича ишлари эътиборга сазовор бўлиб, уларда инновацион жараёнларни тадқиқ этишда асосийси – бирор-бир тизимнинг бир

ҳолатда бошқасига, янгига ўтишини ўрганиш ва янгилик киритиш жараёнини бошқариш ҳисобланиши таъкидланади. Инновацион жараёнларни ўрганишнинг аҳамиятли вазифаси педагогик янгиликларни яратиш ва амалиётда қўллаш жараёнларини бошқариш имкониятларини очиб бериш ҳисобланади [3].

Педагогик адабиётларда инновацион жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар ҳали етарлича ёритилмаган. Янгиликларни киритиш муаммоларига бағишланган махсус тадқиқотларни топиш қийиндир. Фақатгина сўнгги йилларда педагогик адабиётларда нашр этилган алоҳида ишларда инноватика тўғрисидаги фикрларни ва таълим тизимида инновацион жараёнлар тўғрисидаги умумилмий тасаввурларни киритишга уринишларни учратиш мумкин.

Модификацияланган инновация – бу мавжудни тўлиқ ўзгартирмаган ҳолда яхшилаш, тўлдиришдир. Бундай ўзгаришларга «инновация» сўзи қўлланилиши мос келмайди.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Буйук келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон”, 2017.
2. Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимда инновация. -Т.: 2007.
3. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М.:ИТПИМИО, 1995. –169 б.
4. Ишмуҳамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. -Т. ТДПУ. 2004.
5. Гершунский Б. С. Образовательно-педагогическая прогностика: теория, методология, практика [Текст] / Б. С. Гершунский. - М.: Флинта: Наука, 2003.-764 с
6. Лазарев В.С., Поташник М.М. Как разработать программу развития школы. - М., 1989
7. Присяжная А. Ф. Прогнозирование как функция педагога (от будущего учителя до профессионала): монография / А. Ф. Присяжная. -Челябинск : Образование, 2006. - 306 с